

Тиббий-педагогика факультети кафедраларида ўқув, ўқув-услубий, илмий ва маърифий-маънавий ишларнинг ҳолати

Факультет декани Хамраев А.А.

Бугунги кунда, маълумки, Тошкент тиббиёт академияси олдида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида фаолият кўрсатадиган ҳамда профилактик вазифаларни ташкиллаштира оладиган умумий амалиёт шифокорини (УАШ) тайёрлаш устувор вазифаси қўйилган. Шу сабабли академиямиздаги ўқув жараёни, малакали УАШ тайёрлаш дастурига кўра, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) шароитида кенг тарқалган касалликларни даволай оладиган, профилактика усули ва тамойилларини биладиган ҳамда беморларни диспансеризация ва реабилитация қила оладиган УАШ тайёрлашга йўналтирилган. Жумладан ТТА тиббий-педагогика факультети кафедралари УАШ тайёрлашда асосий билим ва кўникмаларини шаклланишида асосий таянч бўлган кафедралар ҳисобланади. Шунинг учун факультетдаги охириги ўқув йилларидаги жараён таҳлил қилиниб, қуйидагиларга эътибор берилди:

- Факультетга тегишли кафедраларда ўқув жараёнининг ташкил этилиши ҳолати;
- Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлиги ва улардаги талабларга жавоб бериши;
- Таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талабалари, ўқув режа ва фан дастурларига мос равишда ташкил этилганлиги;
- Илмий фаолият;
- Маънавий ва маърифат ишлари.

Тиббий педагогика факультети ҳозирги кунда 599 талабалардан иборат бўлиб, улардан 274 нафар киз бола ва 325 нафарини ўғил болалар ташкил қилади. Улардан 124 нафари грант ва 475 нафари эса контракт асосида таҳсил олмақда.

Факультетда профессор ўқитувчилар контингенти бўйича 152 нафари асосий штат асосида ва 28 таси ўриндош ҳисобига умумий 180 нафар ходимдан иборат. Факультет бўйича илмий салоҳият 46,1% ни ташкил қилади. Факультетга тегишли кафедралар ичида илмий салоҳияти 50%дан кам бўлган педагогика ва психология (0), 2-сон факультет ва госпитал терапия (41,6%), онкология (20%), фтизиатрия (42,8%), нормал ва патологик физиология (31,2%), реабилитология, ХТ ва ЖТ (35,2%) ҳамда тиббий радиология (22,2%) кафедралари ҳисобланади.

Факультетда охириги ўқув йилида 8 та дарслик ва 53 та ўқув қўлланмалар яратилган бўлиб, 3 та монография чоп қилинган.

Тошкент тиббиёт академиясида очик маърузалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартда чиқарилган 79-сонли буйруғидаги

Олий таълим муассасаларида очик маърузаларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом асосида ўтказилади. Ўтган ўқув йилида кафедралар томондан 34 та очик дарс, 20 очик маъруза ва 13 та интеграл маъруза ўтказилган. Шу ўриндан айтиш жоизки, 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик, Клиник фармакология, Нормал ва патологик физиология кафедраларида умуман интеграл маъруза ташкил қилинмаган.

Меъёрий ҳужжатлар ҳолати бўйича факультетдаги кафедраларда талабга жавоб беради. Шу билан бир қаторда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

- 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедрасида ДТС, бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режалари, фан дастурлари кафедраларда мавжуд эмас; Бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари ишчи ўқув режаси, ишчи фан дастурлари, дарс жадвали тасдиқланмаган; шахсий иш режада таксимот қилинган, декан, декан муовини, ички инспекция томонидан тасдиқланмаган;

- Педагогика ва психология кафедрасида ишчи ўқув режаси мавжуд эмас, шахсий иш режа талаб даражасида эмас, «Дб» қайта топшириш қайд этиш журнали мавжуд эмас
- Фтизиатрия кафедрасида (2018-2019) шахсий иш режа хали йўқ, кафедра ходимларининг ишга келганлигини қайд этиш журнали мавжуд эмас
- 2-сон факультет ва госпитал терапия: шахсий иш режада тақсимот қилинган, декан, декан муовини, ички инспекция томонидан тасдиқланмаган
- Онкология кафедраси: машғулотлар хронологик картаси эски, жорий ва якуний назоратлар низомлари янгиланмаган.
- Тиббий радиология: машғулотлар хронологик картаси эски, амалий кўникмалар видеороликлари янгиланмаган, меъёрий хужжатлар тўлиқ шакллантирилмаган.

Қолган барча кафедраларда меъёрий хужжатлар мавжуд, лекин кўп ходимлар қайси йил фан дастури асосида дарс ўтиляётганини билишмайди.

Маълумки, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида беморларни олиб бориш тамойилларини биладиган мутахассисни тайёрлаш ҳамда талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёни самарасининг оширилиши ҳал қилинади. Ушбу мақсаднинг амалга оширилишини таъминлаш учун талабаларни бўлажак иш жойларида лозим бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришни талаб этади.

Кафедраларда талабаларни ўқитишда амалий кўникмаларнинг ўрни ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

–Кафедраларда машғулот хронологияси (кун тартиби) 50/50 нисбатда режалаштирилган ва 60/40 нисбатдаги баҳолаш йўлга қўйилган;

–Педагогика ва психология кафедрасида 50/50 нисбатда машғулот ўтиш ва 60/40 баҳолаш тартибларига риоя қилинмайди;

–Онкология, нормал ва патологик физиология кафедраларида – 60/40 баҳолаш мезонлари мавжуд эмас.

“Амалий кўникмалар хонаси мавжуд бўлмаган кафедралар

–Тиббий радиология кафедраси

–2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси

Тиббий педагогика факультети кафедраларида оралиқ ва якуний назоратда амалий кўникмаларнинг ўрни:

–Оралиқ назорат асосан оғзаки ва ёзма шаклда ўтказилади, лекин амалий кўникма эътибор берилмайди;

–Якуний назорат ОСКИ шаклда ўтказилидиган имтихонларда аксариат кафедраларда режадаги ҳамма амалий кўникмалар етарли эмас;

–ОСКИ ўтказишни амалий кўникмаларни бажариш учун керакли бўлган жихозлар ва асбоб ускуналар етарли эмас (фтизиатрия, тиббий радиология) ва эскирган

Маънавий ва маърифий ишлар

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори,

– Ёшлар сиёсатига оид Давлат дастури

– Тошкент тиббиёт академиясининг маънавият ва маърифат бўлими тасдиқлаган иш режаси асосида олиб борилмоқда.

Факультетнинг тарбиявий ишлари йўналишлари

1-йўналиш. Маънавият ва маърифат ишларига оид ташкилий масалалар

2-йўналиш. Талабалар турар жойида ва ижарада олиб бориладиган тарбиявий ишлар ва тадбирлар

3-йўналиш. Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

4-йўналиш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни ошириш

5-йўналиш. Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш

6-йўналиш. Талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишни олдини олиш

7-йўналиш. Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш

Ташкилий масалалар

–Факультетнинг 29 та гуруҳига гуруҳ мураббийлари тайинланди.

–Кафедраларда мунтазам равишда ҳар ҳафтанинг жума кунида маънавият ва ахборот соатлари ўтказиб борилмоқда.

–Тиббий педагогика факультетининг 1-курсига қабул қилинган талабалар учун “Биринчи курс мактаби” дастури асосида ўқиш ташкил этилди.

–Ижарада яшайдиган 64 нафар талабанинг яшаши, турмуш тарзи билан танишиб, хонадон соҳиби, маҳалла раислари ва участка нозири билан ҳамкорликда назоратга олинди.

Барча кафедраларда мавжуд камчиликлар

–Президент ва юқори турувчи органлари фармон, қарор ва фармоишлар, буйруқлари, низомлар, Академия илмий кенгаш қарорлари ва буйруқларини ижросини кун тартибида кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлардаги камчиликлар

–Амалий кўникмалар ҳақидаги видео роликлар етарли эмаслиги ва янгиланмаганлиги

–Ўқув адабиётлари муаммоси

–Амалий кўникмаларни ўтказиш учун зарур бўлган асбоб ускуналар етишмовчилиги

–Кафедраларда моддий техник базаларни эскирганлиги

Таклифлар

–Кафедраларда асосий ўқув адабиётларнинг асл нусхаси ёки электрон шакллари мавжудлигини таъминлаш

–Дарс жараёни хронологиясини таъминлаш

–Дарс жараёнида бемор билан ишлаш сифатини ошириш ва 60/40 нисбатни таъминлаш

–Илмий салоҳият ошириш бўйича режаларни шакллантириш

–Хорижий нуфузли университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш

–Клиник базаларни хусусий клиникалар ҳисобига кенгайтириш

–Машғулотларда АКТ қўллаш салмоғини ошириш

–Жорий, ўтказилган оралиқ ва якуний назорат натижаларининг таҳлилин таъминлаш.